ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январ-март ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3 761,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,9 % га ўсди.

2018 йил I-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 037,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,3 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган хиссаси 5,8 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш
(январь-март ҳолатига)

	Млрд.сўм		*2017 й. га нисбатан % да*
	2017 й.	*2018 й.*	
I. ЯҲМ	**2 997,7**	**3 761,2**	**103,9**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2 831,5	3 566,5	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	166,2	194,7	103,6
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**2 831,5**	**3 566,5**	**104,0**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	229,8	293,4	102,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	997,5	1 355,7	103,1
саноат	825,9	1 122,5	101,3
қурилиш	171,6	233,2	111,8
Хизматлар	**1 604,2**	**1 917,4**	**104,7**
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	366,1	445,9	101,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	331,4	357,7	105,2
бошқа хизмат тармоқлари	906,7	1 113,8	105,8

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,2 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 8,2 %), саноат – 101,3 % (31,5 %), қурилиш – 111,8 % (6,5 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,7 % (12,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,5 % (10,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,8 % (31,3 %) ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь мартида ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



иқтисодий фаолият турлари

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 94,8 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 5,2 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,1 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 8,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 2,7 % пунктга ўсди ва 38,0 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг I-чорагида 53,8 % ни ташкил этди ва 2017 йил (56,6 %) билан таққосланганда 2,8 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (*жамига нисбатан фоизда*):



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 12,5 % ни (2017 й. – 12,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 10,0 % ни (11,7 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 31,3 % ни (32,0 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
***(2018 йил январь-март, жамига нисбатан фоизда*):**

Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: Ф.Дадабоев.
Тел: 241-72-52